

Ўша вақтдаги АКШнинг 28-президенти Томас Вудро Вильсон (1856-1924) большевикларга қарши кураш ташаббусқори бўлиб, қад тиклаётган «ўрис айиги» ни «бешиги» даёқ бўғиш ниятида эди. У АКШ президенти сифатида эмас, «Нобель» мукофоти совриндори сифатида ҳам дунёда обрўси баланд бўлиб, большевикларга қарши курашчилар билан музоқарага тайёр эди. Вильсон 1919 йил 18 январда Парижда бошланган тинчлик конференциясида большевикларга қарши курашаётган барча мухолифатчиларга махсус хат йўллаб, уларни Шахзода оролларига таклиф этганди. Олти оролдан иборат мазкур сўлим маскан Истанбулнинг ёнгинасида бўлиб, гарб давлатлари раҳбарларининг бу ерга денгиз йўли билан етиб келиши кутилаётганди. Вильсон мухолифатчилар билан кучларни бирлаштириб, большевикларга зарба бериш ва тугатишни Париж тинчлик конференцияси кун тартибидаги долзарб масалалардан бири етиб қўйганди. Шу боис, бу масалани Истанбул яқинидаги оролда бевосита мухолифатчилар билан муҳокама қилиш, вазиятни батафсил таҳлил қилишга тайёр эди.

АКШ президенти билан эса теран мулоҳазали, вазиятни беш кўлдай биладиган туркистонлик большевиклар мухолифатчиси музоқара олиб бориши керак эди. Бундай инсон эса ўша вақтда Бехбудий бўлиб, у Боқуга, ундан Истанбулга ўтиб, Шахзода оролларига етиб бориши ва биринчи жаҳон урушида голиб бўлган давлат раҳбарлари билан болшевиизмга қарши кураш буйича музоқарани бошлаши керак эди.

### Муфтийни ким кўлга туширди

Бу пайтга келиб, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидан ташқари, Ўрта Осиёнинг катта қисмини забт этган большевиклар, хусусан, уларнинг айгоқчилик маҳкамаси—ВЧК" кенг тармоқ отиб улгурганди. ВЧК аксилайгоқчилик тармоғи орқали Версал конференциясида большевикларга қарши кураш масаласи муҳокама этилишидан, унда болшевикларнинг ичкаридаги мухолифатчилари иштирок этишидан бохабар бўлганди. Шундай экан, қайсики мухолиф қиши ёки гуруҳнинг четга чиқиши қандайдир йўллар билан Версал конференциясига боришидан дарак берарди. Ўша вақтда Туркистон ичида «босмачилар»дан ташқари, бош мухолифат лидери, табиийки, муфтий Бехбудий хазратлари бўлиб, унинг 1919 йил февралда Тошкентга келиб, вазият билан танишиб кетгани ҳам ВЧКга маълум бўлган.

Кўп ўтмай, Самарқандга қайтиб келган Бехбудийнинг у ерда туркиялик Наим афанди билан учрашгани хақидаги хабар тезда уларга етиб боради. Бундай вазиятда эса кузатув остидаги Бехбудий уйида кўринмай қолди. Шунинг ўзиёқ ён-атрофдан муфтийнинг дарагини излаш ишлари олиб борилишига сабаб бўлди. Тошкентдаги большевиклар ВЧКасига Русиянинг Бухородаги элчихонаси ходими Уткин, Бехбудийнинг Бухорога келганини кўрган одамлар борлиги хақида хабар беради. Муфтийнинг яна бир мухолифи—амир Сайид Олимхондан уни тутишда фойдаланиш маъқуллиги эса тезда энг мақбул вариант сифатида танланади. Бундан олдинроқ большевиклар Бехбудийнинг амир билан рақиблигини билиб, муфтийдан Олимхонни қулатишда фойдаланишни ҳам

ўйлагандилар. Бирок Бехбудийнинг нафакат амир билан, балки большевиклар билан ҳам муроасага боролмаслиги аён бўлганди. Шундай экан, уни амир кўли билан гумдон килиш энг осон йўл эди. Бехбудийнинг Самарканддан пинхона чет элга чикканлигидан огох бўлгач эса бундан кулай пайт сифатида фойдаландилар. Яъни, олдинга чор охранкаси, эндиликда эса ВЧК айгокчиси бўлган Уткин Бухородаги кизил Русия элчихонаси ходими сифатида амир билан тезда боғланиб, Бехбудийнинг Бухорога келиб, «ёш бухороликлар» билан учрашгани, бу ердан Олимхонга қарши куч тўпламок максадида хорижга кетаётганини шипшитган. Бу эса муфтий Бехбудийни шундогам жини суймайдиган амир учун кулай бўлди. Боз устига, муфтий амирлик худудида экан. Шу тарзда большевиклар амир кўли билан Бехбудийнинг изига тушди. Натижада, 1919 йил апрелида амир буйругига кўра, Шахрисабзга етиб борган Бехбудий ва унинг уч хамрохи камокка олинади. Бу ҳақдаги хабар 1919 йилнинг 23 апрелида «Меҳнаткашлар товуши» газетасида чоп этилиб, муфтий «Бухоро тупрогидан ўтаётганларида турк муаллим Наим Афанди ила Қарши шаҳри беги тарафидан кўлга олиниб, зиндонга ташлангани» айтиб ўтилганди. Большевикча матбуот цензураси томонидан тайёрланган бу хабар орқали гўёки Бехбудий амир буйругига кўра, Тоғайбек томонидан зиндонга солингани, яъни муфтийнинг халқ орасида обрў қозонганини била туриб, халқдаям амирга қарши қайфиятни кучайтириб, ўзларини оқ қилиб кўрсатмокчи бўлгандилар.

### **Зиндондаги раҳмдил... жаллод**

Муфтийнинг хамрохи бўлмиш Наим афандини Туркия билан муносабатларни ёмонлаштирмай, дея Қарши шаҳри беги қўйиб юбортиради. Бехбудий, Мардонкул ва Мухаммадуллолар эса, Қарши шаҳрига олиб келиниб, шахсан Тоғайбек томонидан зиндонда қийнок ва азобларга солинади. Обрў-эътиборли муфтийнинг қийноққа солинишидан, хатто, бекнинг жаллоди Аҳмад ваҳимага тушиб, Тоғайбекдан муфтийни озод қилишни ўтиниб сўрайди. Бекдан буни илтимос қилишининг сабаби, улар муфтийни зиндонбанд қилганларида, Бехбудий уларга ўз махфий сафарларини яшириб, хажга кетаётимиз, деб айтган эди. Шу йўл билан у мусулмон бек ва жаллодларнинг қўлидан озод бўлишни ўйлаганди.

Аmmo Тоғайбек муфтийга қарата: «сизлар жаҳид ва кофирдирсиз, Бухорога, жаноби олийга тиг тортган сизнинг маслақдошингиз эмасмилар эди? Сизларни ўлдурмок керак. Сизлар қутулмок учун Байтуллохга бормокни баҳона этиб кўрсатасиз», дейди. Хатто, муфтийнинг тарафини олган жаллоди Аҳмаднияма калтаклатиб, сўнг ўлимга ҳукм қилади. Бехбудий ва унинг хамрохларини эса, «Наука и просвещение» журналининг 1922 йил 1-сонидаги хожи Муиннинг мақоласидаги фикрларга кўра, «ўзлари учун қабр қазишга мажбур этадилар ва шу қабр ёнида уларни бўғизлаб, шу ерга қўмадилар».

Шу тарихи 1919 йил июн ойининг бошларида Қарши шаҳрида буюқ маърифатпарвар муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий 44 ёшида фожиали қатл қилинди. Гарчи, улуг

маърифатчи Бехбудий шахид бўлса-да, истиклолга интилган аждодимиз сифатида тарихда колди ва колажак.

Умид Бекмухаммад